

Кўхна Самарқанд хорижлик уламоларни ҳайратга солди



19:45 / 29.04.2025 883

Имом Мотуридий таълимотига бағишланган халқаро конференцияга ташриф буюрган иштирокчилар кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳридаги муборак қадамжоларни зиёрат қилиб, заминдаги тарихий обидалар ва зиёратгоҳлардан катта таассурот олдилар.

Хорижий уламолар бу диёр дунё цивилизациялар маркази бўлгани, Ислом тамаддуни ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшгани, кўплаб олиму уламоларни етиштириб бергани, мадрасаларию маҳобатли масжидлари бутун оламга ном таратганини эътироф этишиб, бу замин доим ана шундай илму маърифат учоғи бўлгани алоҳида қайд этдилар. Шунингдек, муҳташам обидалар ва қадим масканлардаги ободликлардан ўз ҳаяжонларини яширмай қадим маскандаги тараққит бардавом бўлишини таъкидладилар.

Азиз меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги, Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мақбаралар мажмуаси каби диққатга сазовор жойлар билан яқиндан танишиб, мутахассислардан улар тўғрисида атрофлича маълумотлар олдилар.

Зиёратгоҳларда Қуръони карим оятлари тиловат қилиниб, ўтганлар руҳи покларига бағишланди. Шу билан бирга, уламолар динимиз ривожига ва Ислам олами халқлари тинчлик ва эзгулик йўлида доимо ҳамкор бўлишини сўраб хайрли дуолар қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, шаҳарнинг шарқона қиёфаси ва бой тарихий мероси конференция иштирокчиларига ниҳоятда манзур бўлди.